

Карантин даврида рўза тутиш



15:00 / 26.04.2020 3499

Ассалому алайкум! Мен шифохонада ишлайман. Ҳозирги карантин даврида коронавирус билан касалланган беморлар ташриф буюришмоқда. Саволим шундан иборатки: рўза тутсам иммунитетим пасайиб кетмасмикан? Агар ҳозир тутмай Худо хоҳласа кейинроқ тутсам бунинг ҳукми қандай?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Сиз қўрқмасдан рўзани тутаверинг. У вирусни сизга ҳеч қандай таъсири бўлмайди. **Валлоҳу аълам!**

Уйимдаги пулимдан закот

Ассалому алайкум! Мен хозир чет элдаман ишляпман. Келганимга 10 ойдан ўтди, қарзларимдан узилиб яна уйимда 3600 доллар пулим йиғилиб турибди. Шундан закот беришим керакми?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Қачон нисобга эга бўлган бўлсангиз ўша кунни белгилаб қўясиз. 1 йил ўтгач ўша кунда неча пулингиз бўлса ўшанинг қирқдан бирини закот деб чиқарасиз. **Валлоҳу аълам!**

savollar.islom.uz